

## ГУЛЛАРГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА ТЕРМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Тохирова Ҳилола Ҳамро қизи*

*Ўзбекистон Миллий университети,*

*Хорижий филология факультети 4-босқич талабаси*

*Илмий раҳбар: Юсупова Туймажон*

*ЎЗМУ немис филологияси кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада гулларга оид лексик бирликлар - флоронимларнинг тил тизимидаги ўрни, уларнинг семантик, этимологик, терминологик ва лингвомаданий хусусиятлари комплекс тарзда таҳлил қилинади. Тадқиқотда гул номларининг шаклланиши тарихий-лингвистик нуқтаи назардан ёритилиб, уларнинг келиб чиқиш манбалари сифатида ташқи кўриниш, ранг, шакл, ҳид, биологик хусусиятлар, мифологик тасаввурлар, географик омиллар ҳамда машҳур шахслар номлари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилади.

**Abstract:** In this article, lexical units related to flowers – floronyms - are analyzed comprehensively in terms of their place in the language system, as well as their semantic, etymological, terminological, and linguocultural features. The study examines the formation of flower names from a historical-linguistic perspective and demonstrates that their origins are associated with factors such as external appearance, color, shape, fragrance, biological characteristics, mythological concepts, geographical influences, and the names of famous individuals.

**Калит сўзлар:** флоронимлар, лексик бирлик, терминология, семантика, номинация, бинар номенклатура, маданий коннотация, лингвомаданият.

**Keywords:** floronyms, lexical unit, terminology, semantics, nomination, binomial nomenclature, cultural connotation, linguoculture

Тил инсон тафаккури ва дунёқарашини ифодаловчи энг муҳим восита бўлиб, у борликдаги предмет ва ҳодисаларни номлаш, таснифлаш ва англаш имконини беради. Шу жиҳатдан тил нафақат мулоқот воситаси, балки дунёни идрок этиш механизми ҳам ҳисобланади. Тилнинг лексик тизими жамиятнинг маданий ва тарихий тажрибасини акс эттиради. Айниқса, табиат билан боғлиқ лексик бирликлар, хусусан гулларга оид номлар (флоронимлар), тилнинг образли ва маданий имкониятларини яққол намоён қилади. Тилшуносликда “*ном - бу шунчаки товуш*” деган қараш мавжуд бўлса-да, замонавий ёндашувларда сўзлар фақат номловчи эмас, балки маданий ва когнитив маъно ташувчи бирликлар сифатида ҳам қаралади. Шу сабабли гул номлари оддий атама эмас,

балки кўп қатламли семантик хусусиятга эга бирликлардир. Флоронимлар инсоннинг табиатни идрок этиши, ташқи ўхшашликлар ва маданий тажриба асосида шаклланган бўлиб, уларда эстетик ва рамзий маънолар ҳам мужассамлашган. Шу нуқтаи назардан гулларга оид лексик бирликларни ўрганиш лексикология, семантика ва лингвомаданиятшунослик учун муҳим аҳамиятга эга.

Гулларга оид лексик бирликлар (флоронимлар) тил тизимида ўзига хос мураккаб семантик, структур ва функционал хусусиятларга эга бўлган лингвистик бирликлар сифатида намоён бўлади. Улар оддий номловчи восита бўлибгина қолмай, балки инсоннинг табиатни идрок этиши, уни таснифлаши, эстетик баҳолаши ва маданий тафаккурини ифодаловчи кўп қатламли лексик тизим элементлари ҳисобланади. Шу жиҳатдан флоронимлар тилнинг номинатив, когнитив ва маданий функцияларини ўзида мужассамлаштирган алоҳида лексик қатлам сифатида ўрганилади.

Тарихий нуқтаи назардан қаралганда, гулларни номлаш жараёни инсоннинг табиатни англаш ва тизимлаштиришга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда шаклланган. XVIII асрда Карл Линне томонидан таклиф этилган бинар номенклатура тизими ботаника фанида ўсимликларни илмий таснифлашнинг асосий усули сифатида қабул қилинган. Ушбу тизим ҳар бир ўсимлик номини икки қисмдан - жинс ва тур номидан иборат қилиб белгилаш орқали илмий аниқликни таъминлайди. Бироқ бу тизим флоронимларнинг фақат биологик таснифини таъминласа-да, уларнинг маданий, семантик ва рамзий қатламларини тўлиқ очиб бермайди.

Флоронимларнинг этимологик таҳлили уларнинг турли манбалардан келиб чиққанини кўрсатади. Уларнинг бир қисми ташқи кўриниш, шакл ва рангга асосланган бўлса, бошқа қисми ҳид, биологик хусусият ёки ассоциатив ўхшашлик асосида шаклланган. Масалан, “лола” гулининг номи унинг шаклининг *calla* (салла)га ўхшашлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келган. “*Nargis*” гули эса қадимги юнон тилидаги “*narkein*” — “караҳт қилмоқ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг кучли ҳиди билан боғлиқ семантик асосга эга. Бундай мисоллар флоронимларнинг мотивланган лексик бирликлар эканини тасдиқлайди.

Флоронимларнинг семантик тизимида денотатив ва коннотатив маъноларнинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Денотатив маъно гулнинг реал биологик объект сифатидаги номини англатса, коннотатив маъно унинг маданий, ҳиссий ва рамзий мазмунини ифодалайди. Масалан, “*Rose*” гули денотатив жиҳатдан муайян ўсимлик турини билдирса, коннотатив жиҳатдан муҳаббат, гўзаллик ва нафосат рамзи сифатида талқин қилинади.

“*Vergissmeinnicht*” эса хотира ва садоқат маъноларини ифодалайди. Шу сабабли флоронимлар бадиий нутқда кенг қўлланилади.

Флоронимлар мифологик ва маданий тизим билан ҳам узвий боғлиқдир. Кўплаб гул номлари қадимги афсоналар ва диний тасаввурлар асосида шаклланган. Масалан, *Narcissus* ҳақидаги юнон афсонаси норгис гули номининг асоси ҳисобланади. Афсонага кўра, ўз аксини севиб қолган йигит охир-оқибат гулга айланган. Шарқ маданиятида эса лотос гули покланиш, маънавий уйғониш ва руҳий етуклик рамзи сифатида талқин қилинади. Бу ҳолат флоронимларнинг фақат табиий объект эмас, балки фалсафий мазмунга эга бўлган маданий бирликлар эканини кўрсатади.

Сотсиолингвистик нуқтаи назардан флоронимлар жамиятнинг маданий хотирасини акс эттирувчи муҳим тил бирликларидир. Улар орқали халқнинг табиатга муносабати, эстетик қарашлари ва дунёқараши намоён бўлади. Ҳар бир маданиятда гул номлари муайян символик тизимга эга бўлиб, улар орқали ижтимоий қадриятлар ва тарихий тафаккур ифодаланади. Масалан, Европа маданиятида гуллар кўпроқ романтик ва ҳиссий маънолар билан боғлиқ бўлса, Шарқ маданиятида улар маънавий ва фалсафий мазмун касб этади.

Флоронимларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири уларнинг терминологик ва бадиий қатламда икки хил функцияни бажаришидир. Илмий соҳада улар ботаника терминлари сифатида аниқ ва бир маъноли бирликлар ҳисобланади. Бадиий нутқда эса улар метафорик ва рамзий маънога эга бўлади. Шу боис флоронимлар “чегаравий лексика” қатламига киритилади. В.Г. Гак таснифига кўра, бундай бирликлар вазиятга қараб ҳам термин, ҳам умумхалқ сўзи сифатида қўлланиши мумкин.

Немис ва ўзбек тилларида флоронимларнинг шаклланиш усуллари турличадир. Немис тилида композиция усули устун бўлиб, қўшма сўзлар орқали янги номлар яратилади: *Sonnenblume*, *Storchenschnabel*, *Löwenmälchen*. Бу ҳолат немис тилининг аналитик-композицион хусусиятини кўрсатади. Ўзбек тилида эса аффиксация ва деривация асосий рол ўйнайди: гулзор, гуллаш, гулдек. Бу эса агглютинатив тил тузилиши билан боғлиқдир.

Когнитив лингвистика нуқтаи назаридан флоронимлар инсон онгида концептуал метафораларни шакллантиради. Гул образи орқали “гўзаллик”, “ҳаёт”, “ўткинчилик”, “садоқат”, “поклик” каби абстракт тушунчалар конкрет визуал образлар билан боғланади. Бу ҳолат тил ва тафаккур ўртасидаги узвий алоқани яққол намоён қилади.

Шунингдек, флоронимлар бадиий адабиётда ҳам муҳим стилистик восита ҳисобланади. Уларнинг метафорик имкониятлари шеърят ва насрда образ яратиш, ҳиссий таъсир кучини ошириш ва эстетик мазмунни бойитишга хизмат қилади. Масалан, “гул юз”, “гулдек қиз”, “гул каби нафис” каби ифодалар

инсоннинг ташқи ва ички гўзаллигини табиат образи орқали тасвирлаш имконини беради.

Умуман олганда, флоронимлар тил тизимида кўп функцияли лингвистик бирликлар бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида илмий термин, бадиий образ ва маданий рамз вазифасини бажаради.

**Хулоса:** Хулоса қилиб айтганда, гулларга оид лексик бирликлар (флоронимлар) тил тизимида кўп функцияли ва кўп қатламли лингвистик бирликлар сифатида намоён бўлади. Улар нафақат номловчи восита, балки инсоннинг табиатни идрок этиши, унинг эстетик баҳоси ва маданий тафаккурини ифодаловчи муҳим семантик элемент ҳисобланади. Шунингдек, флоронимлар денотатив ва коннотатив маъноларнинг бир вақтда мавжудлиги билан характерланади. Улар илмий термин сифатида аниқ биологик объектни ифодаласа, бадиий нутқда эса муҳаббат, гўзаллик, садоқат, поклик каби рамзий маъноларни англатади. Бу ҳолат уларнинг тилдаги функционал имкониятларини кенгайтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Duden. Das Herkunftswörterbuch. 5. Auflage. Berlin, Dudenverlag, 2014. – 960 S.
2. Simek R. Lexikon der germanischen Mythologie. 3. Auflage. Stuttgart, Kröner, 2006. – 650 S.
3. Biedermann H. Knaurs Lexikon der Symbole. München, Droemer Knaur, 1998. – 512 S.
4. Schmirber G. Blumensprache. Bedeutung und Symbolik der Blumen. München, Bassermann, 2002. – 288 S.
5. Pardayev S. Sh. So‘z va terminologiya. Samarqand, 2022. – 180 b.
6. Гак В. Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии. В: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Москва, 1977. – С. 248
7. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент, Фан, 1984. – 200 б.